

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДАГИ ФАЛСАФИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Юлдашев Рустам Даниёрович

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети

Тарих факультети, Самарқанд тамаддуни кафедраси

доцент, фалсафа фанлар доктори (PhD)

Email: rustamyuldashev361978@gmail.com

Тел: 91-521-84-01

Аннотация:

Илмий мақолада глобаллашув шароитда жамиятни ривожлантиришнинг муқобил йўллари топишда фалсафий тарбиянинг ўрни, унинг мамлакатимиз таълим ва тарбия тизимини демократик тарзда ислоҳ қилишнинг методологик аҳамияти, шунингдек жамиятни барқарор ривожлантириш концепциясини такомиллаштиришда, унинг объект ва субъектлари ўртасидаги боғланишларнинг кўп ўлчовли эканлигини тадқиқ қилиш зарурлиги ҳақида илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган фалсафий фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар: ривожланиш, барқарорлик, беқарорлик, фалсафий тарбия, барқарор ривожланиш, кадрият, бозор фундаментализми, барқарор ривожланишнинг мақсади ва принциплари.

Аннотация:

В научной статье описывается роль философского воспитания в поиске альтернативных путей развития общества в условиях глобализации, его методологическое значение для демократического реформирования системы образования и обучения нашей страны, а также необходимость исследования многоаспектности связей между ее объектами и субъектами в совершенствовании концепции устойчивого развития общества. Излагаются философские идеи, имеющие научное и практическое значение.

Ключевые слова: развитие, стабильность, нестабильность, философское образование, устойчивое развитие, ценности, рыночный фундаментализм, цель и принципы устойчивого развития.

Abstract:

The scientific article describes the role of philosophical education and upbringing in the search for alternative ways of developing society in the context of globalization, its methodological

significance for the democratic reform of the education and training system of our country, as well as the need to study the multidimensional connections between its objects and subjects in improving the concept of sustainable development society. Philosophical ideas that have scientific and practical significance are presented.

Keywords: development, stability, instability, philosophical education, philosophical education, development, sustainable development, values, market fundamentalism, goal and principles of sustainable development.

Кириш (Introduction):

XXI аср инсоният тарихи сахнасига мисли кўрилмаган ва кутилмаган янги нарса, воқеа, ҳодиса ва жараёнлар: моддий ишлаб чиқариш жараёнини сунъий интеллектга асосланган робототехнологиялар, нано-технологияларнинг эгаллаши; эски техника ва технологиялар билан ишлаб чиқариш етарлича модернизация қилинмасдан табиат ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик оқибатида инсоният экологик хавф остида қолаётганлиги; ривожланган мамлакатлар ўртасида бўлинган дунёни қайтадан бўлиб олиш, жаҳонда ягона етакчи кучга айланиш учун очикчасига курашни авж олдираётганлиги; одамларнинг онги-шуурини ғоявий-мафкуравий жиҳатдан эгаллаб “манқурт”га айлантириш учун маънавий-мафкуравий курашни рақобот майдонига айлантириб, маънавий қадриятларнинг оёқ-ости қилинаётганлиги; илм-фан соҳасининг катта ва кичик бизнес майдонига айланиш жараёнининг тобора чуқурлашиб бораётганлиги; уларга қарши курашувчи прогрессив кучларнинг тизимли равишда ҳаракат қилмаётганликларда кўриш мумкин. Кўриниб турибдики, бундай салбий ҳодисалар кишилиқ жамиятининг барқарор ривожланишига ҳалақит бериб жаҳонда иқтисодий, экологик, ахлоқий-маънавий инкирозларни келтириб чиқармоқда. Қисқа қалиб айтганда, бўларнинг барчасини инсониятнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилувчи глобал хавф деб аташ мумкин.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology) Бундай глобал хавф-хатарлар ҳақида Ш.М.Мирзиёев: “Иқлим муаммолари барқарор ривожланиш йўлида энг асосий таҳдидга айланиб улгурди. Бу хавф-хатарлар ҳатто дунё геосиёсий архитектурасига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари Орол фожиаси туфайли Марказий Осиёда айниқса жиддий сезилмоқда. Тупроқ емирилиши жараёнлари 30 миллион аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатмоқда. Кучли чанг ва қум бўронлари одатий ҳолга айланди. Ичимлик суви тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши, биохилма-хиллик йўқолиши, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги пасайиши каби муаммолар тобора авж олмоқда. Бу глобал хавфлар кенг минтақамизда хатарли нуқтага

етиб келмоқда. Иқлим ўзгаришига қарши курашда илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш лозим.” [1], - деган эди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis results) Мамлакатимизни бундай глобал хавфдан қутқазиб, барқарор ривожланишини таъминлаш асосида Янги Ўзбекистон орзуси бўлган – Учинчи Ренессанс пайдоворини қуриш учун нима қилишимиз керак, деган савол туғилиши табиийдир. Хўш, барқарорлик ва беқарорлик нима? “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да: “Барқарорлик – қарор топган, қатъий, узил-кесил ўрнашган, устувор, доим бирдек турадиган, ўзгармас, муқим” [2.], - деган маъноларни англатади дейилган. Шунга кўра, барқарорлик – бу бирор нарса, ҳодиса, жараённинг ҳеч қандай ўзгариш таъсир этмайдиган, доимо бирдек турадиган, тинч, ўзгармаслик ҳолатидир. Мазкур тушунчанинг мазмун-моҳиятига фалсафий жиҳатдан қарайдиган бўлсак: “Барқарорлик – оламнинг нисбий тинчлик ҳолати, табиат ва жамият тараққиётининг тадрижий ривожланиши, моддий, маънавий ва ижтимоий тизимнинг муайян даражадаги бир текис фаолият кўрсатиш имконияти”дир. [3.] Беқарорлик – бу нарса, ҳодиса, воқеа, жараёнларнинг бир жойда қўним топмайдиган, ички ва ташқи омиллар таъсирида доимо ўзгариб турадиган ҳолатидир. Барқарорлик ҳам, беқарорлик ҳам мутлақ характерга эга эмас. Улар ривожланишнинг ўзига хос атрибутларидан биридир. Ривожланиш – бу табиат, жамият ҳодисалари ва инсон тафаккурининг бир сифат ҳолатидан иккинчи, юқори сифат ҳолатига ўтиш, ўсиш, юксалиш, тараққий этиш, равнақ топишдир. Демак, барқарор ривожланиш нима? Бу саволга иқтисодий, ижтимоий, экологик барқарорлик нуқтаи назаридан Д.А.Котельников: “Барқарор ривожланиш бу инсониятнинг олдинга қараб интилиш модели бўлиб, бунда ҳозирги авлод эҳтиёжларини қондириш ва келажак авлодни бундай имкониятдан маҳрум бўлмаслигини таъминлашдир” [4], В.Г.Горшков “Барқарор ривожланиш – бу энг аввало иқтисодий ва экологик жиҳатдан барқарор ривожланиш вазифаларини амалга ошишига имкон берадиган аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва ижтимоий хавфсизлиги таъминлаш зарурияти” [5], В.Хлобистов: “Барқарор ривожланиш бу миллий ижтимоий-иқтисодий ўсишга қаратилган методологик мўлжал» [6], М.Джейкобс: “Барқарор ривожланиш – жамият ривожланишининг бир кўриниши бўлиб, бунда ривожланишнинг атроф-муҳитга таъсири биосферанинг иқтисодий имкониятлари доирасида қолади ва инсоният фаолиятининг табиий асослари бузилмайди” [7], Л.С.Гринив: “Барқарор ривожланиш – ноосфера концепциясини амалга ошириш орқали экологик ва иқтисодий тизимнинг барқарор ишлашини таъминлашдир” [8], деган таърифларни беришган. Уларнинг барчасини фалсафий жиҳатдан умумлаштириб, соддароқ қилиб барқарор ривожланиш – бу табиат инъомларидан экологик вазиятга зарар етказмасдан, илм-фан ютуқлари асосида моддий неъматларни ишлаб чиқаришда тежамкорлик билан унумли

фойдаланиш, маънавий неъматларни яратишда умуминсоний ва миллий қадриятлар принципларига мос равишда инсониятнинг порлоқ келажагини кўзлаб жамиятни ҳар томонлама равақ топтиришга қаратилган фаолиятлар тизимидир, деб тарифлаш мумкин.

Бугунги кунда жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий омилларидан бири (қолаверса, атрибути дейиш ҳам мумкин- Ю.Р.Д.) бўлган таълим ва тарбия жараёнига ўзининг салбий таъсирини ўтказувчи ижтимоий тенденция сифатида бозор фундаментализми шаклланган бўлиб, у ривожланиш борасидаги барча нарсаларни:

а) жаҳонда ўсиб бораётган экологик инқирозга қарамасдан асосий истиқболли табиий ресурсларни аёвсиз тарзда ишлатиб тугатиш;

б) инсоннинг ҳаёти олий кадрият эканлигини, шу жумладан умуминсоний ва миллий маданиятни ҳам кадр-қийматини пастга уриш (менсимаслик);

в) давлатларнинг суверенитетини тан олмасдан уларнинг табиий бойликларига кўз олайтириш;

г) ҳокимиятлар алмашиши билан уларнинг идеалларига хизмат қилувчи қандайдир бир ўзгача янги авлодни «қайта яратиш»га уруниш;

д) “янги авлод”ни бозор қондасига мувофиқ хизмат кўрсатишга асосланган “ижтимоий” институтларда тарбиялаш кабиларни амалга оширган ҳолда барча нарсаларни “моддий бойлик” орттириш мезонлари билан ўлчамокда.

Бундай шароитда ижтимоий ривожланишнинг таълим ва тарбияга асосланган муқобил йўллари излаб топиш ҳақли равишда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда юз бераётган зиддият ва инқирозлар даврида, ундан чиқиб кетишнинг муқобил йўналишларидан бири - бу давлат арбоблари ва олимлар томонидан илгари сурилаётган жамиятни барқарор ривожлантиришнинг таълим ва тарбияга асосланган концепциясидир [9].

Барқарор ривожланиш концепциясиинг асосий принципларига қуйидагилар: жамиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва экологик жиҳатларини интеграциялаштириш; ҳар бир мамлакатнинг ўзида мавжуд бўлган табиий бойликларидан мустақил равишда халқаро ҳуқуқ доирасида фойдаланиш; илм-фанни ўзлаштиришда авлодлар ўртасида ва авлодлар ичкарисида тенгликка асосланган узвийликни таъминлаш; халқаро шартномаларни бажаришда ёки уларга қўшилишда эҳтиёт чораларини кўриш; жамоат ишларида фаол иштирок этиш ҳамда эркин тарзда ахборот олиш кабилар қиради. Умуман олганда, бу принциплар қайта-қайта аниқланиб мунтазам равишда тўлдирилиб борилаеради.

Жамиятни барқарор ривожлантиришда, унинг таркибий қисми сифатида таълим ва тарбия соҳаси катта рол ўйнайди, чунки айнан таълим ва тарбия инсоннинг илмий-амалий қобилиятларини ривожланиши борасида ижтимоий мақсадларни кўзлаган ҳолда моддий, маънавий, ташкилий шароитларни яратиш, уни ҳозирги глобаллашаётган давр ҳаётига тайёрлаш учун жавобгар ҳисобланади. Узлуксиз фалсафий таълим ва тарбиянинг ҳосиласи сифатида қарор топган давлат ва жамият арбоблари раҳбарлик қиладиган давлатнинг халқчил бошқарув аппарати сиёсат, иқтисод, молия, мафкура, таълим ва тарбия, ижтимоий ва табиий фанлар, маданият, ахборот ва коммуникацияларнинг барча муҳим масалалари бўйича тўғри халқчил қарорлар қабул қила олиш имкониятларига эга бўлади. Зеро, шундай экан ҳар қандай шароитда ҳам тўғри қабул қилинган қарорлар ва унинг ижроси келажакда янгича бир “халқ манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ бўлган”[10.] “ижтимоий, ҳуқуқий, суверен, демократик, дунёвий давлат”ни[11.] қуриш учун пойдевор вазифасини ўташи, шубҳасиздир.

Шу муносабат билан таълим ва тарбия жараёнини жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий омилларидан бири сифатида ўрганиш жуда долзарб ҳисобланади, чунки айнан таълим ва тарбия жамиятнинг турли даражадаги соҳаларини мослаштирувчи ва ижтимоийлаштирувчи имкониятларини юзага чиқариб, янги аъзоларини ўқитиш ва тарбиялаш орқали уларнинг дунёқарашини ўзгартиради, қандай маданият соҳиби бўлиши кераклигини белгилаб беришга хизмат қилади. Айни пайтда, шу орқали жамиятни ижтимоий ривожланиш йўналишларини шакллантирадиган ва амалга оширадиган билимлар билан қуроллантиради. Буларнинг барчаси таълим ва тарбиянинг ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда жамият барқарор ривожланишини таъминлашнинг янгича фалсафий моделини яратишга асос бўлади. Бу эса таълим ва тарбия ҳақидаги концептуал ғояларни чуқур ўрганишни, жамиятнинг глобал миқёсда ҳам, мамлакат миқёсда ҳам ижтимоий фалсафий мазмунга эга бўлган барқарор ривожланиш концепциясини ишлаб чиқишни долзарб масала сифатида кун тартибига қўйади.

Фалсафий таълим ва тарбия замонавий таълим-тарбия тизимини ривожлантириш назарияси ва амалиётини таҳлил қилиш учун методологик асос бўлиб хизмат қилади, бу эса ўз навбатида шу соҳани ривожлантириш учун янгидан янги концепциясини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда фалсафий таълим ва тарбия гарчанд таълим ва тарбия муаммоларини ўрганиш учун етарли, самарали назарий ва услубий асос бўлишига қарамасдан, етарлича тадқиқот ишлари олиб борилаётгани йўқ. Фалсафий таълим ва тарбиянинг назарий ва амалий фан сифатидаги услубий функцияси таълим ва тарбия муаммоларини таҳлил қилиш билан боғлиқ ҳолда, у шахсни

ижтимоийлаштирувчи омил сифатида илмий билишнинг умумий тамойиллари ва усуллари тизимини ишлаб чиқишида ўзини намоён қилиб бораверади.

Зеро, шундай экан бизнинг фикримизча фалсафий таълим - бу кишиларда замонавий таълим жараёнларининг энг умумий ва муҳим қонуниятлари ва боғлиқликларидан келиб чиққан ҳолда табиат, жамият ва инсон борлигининг турли соҳаларида (иктисодий, сиёсий, технологик, педагогик, психологик, ахлоқий)ги ўзгаришлар ҳақида муайян бир фалсафий фикрлаш тарзини шакллантирадиган илмий-амалий билимлар тизими бўлса, фалсафий тарбия - эса бу инсоният яратган барча моддий ва маънавий қадрият мақомига эга нарсаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда одоб-ахлоқ, хислат ва фазилатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган иш-амаллар мажмуидир.

Фалсафий таълимдан асосий мақсад: биринчидан, инсониятнинг умумий муаммолари фонида таълим ҳақиқатини (борликни) таҳлил қилишдан; иккинчидан, фалсафий таълим ва бошқа таълим назарияси ўртасидаги муносабатни ўрганишдан; учинчидан, таълим муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг мақсадлари, воситалар, идеаллар, ижтимоий функциялар ва бошқаларни ажрата билишдан иборат.

Мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ислохотлар шароитида таълим жараёни соҳасида юзага келаётган таълим муаммоларини фалсафий жиҳатдан бутун таълим соҳасини умумий контекст (лотинча contextus-қўшилиш, уланиш, боғланиш)ида ўрганиб, ундаги афзаллик ва камчиликларни ажрата билиш керак. Фалсафий таълим соҳасида олиб бориладиган тадқиқотларнинг афзаллиги - таълим муаммоларини умумий тарзда таҳлил қилиш имконияти, яъни унинг праксиологик, аксиологик ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олган кенг қамровлилиги билан белгиланса, камчилиги эса жамиятда юзага келган муаммолар қатори, таълим соҳасида ўз ечимини кутаётган муаммоларни “хиралашиш” даражасига тушириб қўйиши ҳам мумкин. Чунки, бунда бўлган воқелик ва юкланган ижтимоий мажбуриятлар туфайли кўпинча таълим тизимининг технологик масалаларини ўрганишга устунлик берилган бўлади.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда таълим ва тарбия тизимини демократик тарзда ислох қилиш масаласи таълим ва тарбия жараёнининг мураккаб ва кўп қиррали муаммолари юзасидан фанлараро тадқиқотларни олиб боришни талаб қилади. Бунда, биринчи навбатда бу тизимни ижтимоий фалсафа методологияси асосида таҳлил ва тавсиф қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бундай методология турли жиҳатларга эга бўлган таълим ва тарбия муаммоларини комплекс (лотинча complexus- алоқа, боғланиш, қўшиб, қамраб олиш), яъни социологик, психологик, педагогик ва бошқалар жиҳатидан ҳар томонлама ўрганиш учун зарурдир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, таълим ва тарбиянинг педагогик жиҳатлари ўрганилган бўлса-да, бироқ унинг фалсафий, социологик, психологик жиҳатлари ҳали етарли даражада ўрганилганича йўқ.

Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёни таълим ва тарбия жараёнини четлаб ўтмаслиги ҳаммага маълум. Чунки у мавжуд бўлган таълим ва тарбия тизимини янги мазмун билан тўлдиради. Бу эса, ўз навбатида, махсус фалсафий тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади. Булар жумласига таълим ва тарбия жараёнида унинг объекти ва субъектлари ўртасидаги мулоқотлар тизимини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, таълим ва тарбияда аждодлар ва авлодлар ўртасидаги мулоқотнинг изчил узлуксиз тарзда тарихий маънавий ёки моддий мерос шаклида кечиши кўзланган мақсадга эришишни таъминласа, ундан воз кечиш эса таълим ва тарбия тизимининг издан чиқишига, ахлоқсиз бир шаклда намоён бўлиб миллий қадриятларнинг оёқ-ости бўлишига олиб келади.

Барқарор ривожланишнинг моҳияти, шарт-шароитлари ва мумкин бўлган сценарийларини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва концепциялар илгари сурилган бўлиб, уларнинг барчасида биринчидан, ушбу концепцияларнинг назарий келиб чиқиши, хусусан, ундаги фалсафий, социологик ва табиий фан ғояларининг барқарор ривожланиш йўналишларини ўзгартириш хусусиятлари очиб беришга [14]; иккинчидан, барқарор ривожланиш ғояларига бирон бир тарихий жараён шароитида маълум бир изчилликни беришга [15]; учинчидан, барқарор ривожланиш мезонларига мувофиқ инсон фаолиятининг турли соҳаларини – фан, таълим, иқтисодиёт, технология ва бошқаларни ўзгартиришнинг услубий масалалари тадқиқ қилишга қаратилганлигини кўриш мумкин [16].

Аслини олганда, жаҳонда таълим ва тарбия соҳасини, барқарор ривожланиш концепциясини ўрганишга бағишланган кўплаб салмоқли ишлар амалга оширилганлигига қарамай, ҳозирги кунга мамлакатимизда туб демократик ислохотлар олиб борилаётган бир вақтда жамиятимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш омилларидан бири бўлган таълим ва тарбия масаласи фалсафий жиҳатдан тизимли равишда етарлича тарзда тадқиқ қилиш йўлга қўйилганича йўқ. Янги Ўзбекистон орзусини бу ишни йўлга қўймасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, мазкур муаммони ўрганишда умумий тарзда ижтимоий фалсафа методологиясидан, хусусий тарзда эса шунингдек, таълим фалсафаси методологиясидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, таълим фалсафаси тарбия жараёнларини диалектик ёки синергетик тарзда тушуниш учун услубий маслақдошидир. Таълим фалсафаси - бу таълим ва тарбия ҳақидаги билимларни фалсафий концепция шаклига келтириб, тарбия билан алоқадор бўлган барча билимларни концептуал, умумлаштирилган шаклда бирлаштириш имконини беради. Таълим фалсафаси фанлар ўртасидаги бир соҳа сифатида тарбияни жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш омили сифатида яхлит таҳлил қилишга имкон беради. Шу билан бирга, бунда қиёсий таҳлил услубиётининг элементлари, тизимли ва

фанларо ёндашувларидан фойдаланишни ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қиёсий таҳлил бизга жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш омили сифатида таълим ва тарбиянинг умумий фазовий ҳамда вақтинчалик асосларини ўрганишга, шу билан бирга алоҳида даврлар ва минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради. Тизимли ёндашув таълим ва тарбиянинг тизимли хусусиятини субъектив омиллар билан бирликда инсон мавжудлигининг объектив шароитлари вақтида барқарорликни таъминлаш омили сифатида аниқлашга, ушбу соҳадаги инсон ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга имкон беради. Фанларо ёндашувдан фойдаланиш зарурати тадқиқотда ижтимоий ва сиёсий фалсафа, педагогика, таълим фалсафаси, кибернетик эпистемология, табиат фалсафаси ва бошқалар чорраҳасида бир қатор масалалар ўрганилганлиги билан боғлиқ бўлади.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Юқорида баён қилинган барча фикрларни хулосалаб, шуни айтиш мумкинки, фалсафий таълим ва тарбияга хос бўлган барча хусусиятлар жамиятни барқарор ривожлантиришда илмий-амалий жиҳатдан методологик асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун эса биринчи навбатда, фалсафа ва таълим-тарбия соҳасида жаҳон мутафаккирлари қолдирган маънавий меросдан диалектик тарзда унумли фойдаланиб фалсафий таълим ва тарбия беришнинг методологик асоси бўлган “Таълим фалсафаси” номли илмий тадқиқотлар дастурини яратиш, олинган натижалар асосида монография, дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа илмий-амалий ишланмаларни яратиш ва ҳаётга татбиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ёзганидек: “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун, аввало, илм-маърифат, юксак маданият керак. Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта тўғри йўлдан адашиш бўлади. Энг катта бойлик – бу ақл – заковат ва илм, энг катта мерос-бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир” [17.]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясидаги (COP28) нутқи. 01.12.2023.// <https://president.uz/uz/lists/view/6897>
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.И. – Т.:” Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти,2006. – Б.173.
3. Назаров Қиём. Жаҳон фалсафаси қомуси.1-китоб. – Т.:” Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти”нашри”ти,2023. –Б.146.

4. Котельников, Д.А. Интеграция России в процесс достижения устойчивого развития: анализ проблем и перспектив // Потенциал и перспектива современной науки: материалы III Всероссийской научно-практической конференции (19 января 2016). – Геленджик: Кубанский гос. ун-т, 2016. – С. 105-113.
5. Горшков В. Г. Физические и биологические основы устойчивости жизни / В. Г. Горшков. – М. : ВИНТИ, 1995. – 256 с.
6. Хлобистов Є. В. Екологічна безпека трансформаційної економіки / Є. В. Хлобистов. – К. : Чорнобильінтерінформ, 2004. – 336 с
7. Jacobs M. Sustainable Development: Greening the Economy/ Fabian Society. 1990.
8. Гринив Л. С. Концептуальні засади просторової парадигми екологічно збалансованої економіки / Л. С. Гринів // Регіональна економіка. — 2001. — № 4. — С. 54–63.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 20 октябрда "2030 йилгача булган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тугрисида"ги 841-сонли қарори//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2020 й., 09/20/777/1620-сон.
10. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри.- Тошкент:" O‘zbekiston” нашриёти,2022. – Б.25.
11. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – Toshkent: O‘zbekiston” nashriyoti, 2023.- В.5.
12. Зиямухамедов Б. Педагогика. –Т.: “ТАМАДДУН”, 2014 – Б.100.
13. Николаева Л.Ю. Философия образования. Часть 1. Учебное пособие – М.: Мир науки, 2014. – С.17,38.
14. Казначеев В. П. Проблемы живого вещества и интеллекта: этюды к теории и практике медицины III тысячелетия // Вестник МИКА. – 1995. – Вып. 2. – С. 9–20. 35.
- Урсул А. Д. Устойчивое развитие цивилизации и ноосферно-экологическое образование // Ноогенез и образование. Построение ноосферной школы: тезисы межрегиональной конференции (23–26 марта 1995 г.). – Красноярск, 1995.
15. Кудашов В. И., Кудашова И. В. Социальные функции образования в ситуации его кризиса // Байкальский психологический и педагогический журнал. – 2005. – № 1–2 (5–6). – С. 39–48
16. Мантатов В. В. Устойчивое развитие: прогресс нравственных задач // Наука и образование в интересах устойчивого развития. – 2006.- С-55-56., Бобров В. В. Социальное развитие: сущность, условия и критерии устойчивости. – Новосибирск, 2005. – 230 с.
17. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри.- Тошкент:" O‘zbekiston” нашриёти,2022. – Б.23.